

## БОБУРНИНГ ЖАҲОН ҲАРБИЙ САНЪАТИДАГИ ЎРНИ

*Худойбердиев Маишхурбек Мамиржонович*  
*подполковник, ЎР ҚҚ Академияси, 1-босқич тингловчиси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий юришлари ва унинг жаҳон ҳарбий санъатида тутган ўрни ўрганилиб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жанг, ҳабрий санъат, тактика, усул, тушунча, такомиллаштириш.

**Аннотация:** В данной статье изучена военные походы Захируддина Мухаммада Бабур и его роль в мировом военном искусстве.

**Ключевые слова:** бой, военное искусство, тактика, способ, понятие, совершенствование.

**Abstract:** This article studied the military campaigns of Zahiruddin Muhammad Babur and his role in the world military art.

**Key words:** combat, military art, tactics, method, concept, improvement.

Бобур – буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назариётчи адабиётшунос, факих, тилшунос, санъатшунос, этнограф, хайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўпқиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. Биргина "Бобурнома" асари унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанлигига яққол мисолдир.

Президент Ш.М.Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек, "...Бу буюк зот ўн икки ёшидан бошлаб Темурийлар давлатини сақлаб қолиш учун ўзини ўтга ҳам, чўкка ҳам урди, ҳеч қандай душмандан ҳам, синовдан ҳам кўрқмади. Қирқ олти йиллик умри давомида бир зум ҳам ҳаловат билмасдан ўтди. Ўз авлодларига Ватанга бўлган буюк муҳаббатни, эзгу фазилатларни мерос қилиб қолдирди"[1].

Тарихшунослик фани жаҳон ҳарбий иши ва санъатининг шаклланиши, тараққий этишига улкан улуш қўшган Ганнибал, Юлий Цезарь, Александр Македонский, Чингизхон, Буюк Фридрих, Наполеон Бонапарт сингари машҳур саркардалар, ҳарбий ташкилотчи ва стратеглар қаторида Турон заминининг икки атоқли фарзанди – Амир Темур Кўрагон ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини ҳам ҳақли равишда эътироф этади.

Тақдири азал тақозосига кўра, Бобурнинг Мовароуннаҳрда сиёсат саҳнасида чиқиши XIV асрнинг 70-йилларидан эътиборан буюк бобокалони Соҳибқирон асос солган Темурийлар салтанатининг таназзулга юз тутган палласига тўғри келди [2].

Падари бузруквори Умаршайх Мирзонинг фожиали ҳалокатидан сўнг Фарғона вилояти тахтини бошқаришга мажбур бўлган Бобур болалигидан мавжуд анъанага биноан ҳарбий санъатнинг мураккаб сир-асрорларини эгаллашга

йўналтирилган, ҳарбий ишга бўлган табиий истеъдодини намоён этиши учун Шайх Мазидбек, Бобоқули, Бобо Алибекдек мураббий (*бек атка*) ва устозлардан сабоқ олган.

1499 йили Андижон шаҳридан тахминан 24 км. масофадаги Хўбон кенти шарқи-жанубида жойлашган Сақо қишлоғи атрофида Бобур ўз тасарруфидаги қўшин ясоли-жанговар тартибини илк бор классик беш қисм (*ҳировул, баронгор, жавонгор, гул, чагдавул*)га мувофиқ тузган ҳолда Аҳмад Танбал лашкари билан жангга кирган ва ғанимини жанггоҳни ташлаб кетишга мажбур этган эди. Буни Бобур шундай таърифлайди: *Менинг аввал масоф уруши урушқаним ушбу эди. Тенгри таоло ўз фазл ва қарами била фатҳ ва зафар рўзи қилди* («Бобурнома», 128).

Маълумки, қўшинни жанг майдонида айнан беш бўлакка тақсимлаган тарзда жойлаштириш жуда қадимий усул ҳисобланади. Ушбу классик жанговар тартибга сезиларли ўзгартириш киритиб, уни етти қисм (*қўл*)га етказган шахс Амир Темур ҳазратларидир. Соҳибқирон томонидан ёв лашкари қанотларини икки тарафдан айланиб ўтиб, унинг асосий кучларига ортдан кучли зарба бериш учун хосланган суворий гуруҳ – *қунбулнинг* жорий қилиниши дунё ҳарб ишида мутлақо янги ҳодиса бўлиб, Амир Темур ҳарбий салоҳиятининг маҳсули эканлиги аллақачон ҳарбий мутахассислар томонидан тан олинган.

1500 йили Сарипулда Шайбонийхон лашкари билан кечган муҳорабада мағлубиятга учраган Бобур кейинчалик қўшин ясолига муайян ўзгартиришлар киритди ва ҳарбий қисмларни ифодаловчи тушунчаларни она тилидаги истилоҳлар билан атади [3].

Қўшиннинг марказий қисми (*гул*) ни мустаҳкамлашга жиддий диққат қаратилиб, у икки бўлакка (*ўнг қўл ва сўл қўл*) ажратилган. Бу қисмлар *ўнг ён ва сўл ёндан* ташкил қилинган *хосса тобиннинг, хосса тобин* эса ўз навбатида *ўнг ва сўл* бўлақлардан иборат бўйнинг ўзига хос илғор (авангард)и вазифасини ўтаган. Ҳиндистонни забт этиш йўлида бўлган йирик жангларда қайд этилган ясолга қатъий амал қилиш Бобурга жаҳоншумул ғалабалар келтирганига тарих шоҳид.

Бобур қўшиннинг жанг олиб бориш тактикасида қўл келадиган бир қатор усулларни кашф этган, мавжудларини муттасил такомиллаштириш тадоригини кўрган.

Чунончи, Сарипул тўқнашувида Шайбонийхон томонидан усталик билан қўлланган *тўлғама* усулининг афзаллигини пайкаган Бобур, ушбу тактик усулдан Султон Иброҳим Лўдий, Рано Санго ва Маҳмудхон Лўдий сингари кудратли кучга эга душманлари билан бўлган жангларда моҳирона истифода этган. Панипат, Канва ва Гагра жангларида Бобур тўғри тактика ва стратегияни белгилагани ва қўллагани учун мисли кўрилмаган зафарларни эришди. Шу ўринда тўлғамага тайинланган аскарый гуруҳларнинг қўшин баронғори ва жавонғори учидан жой

олгани, уларга тажрибали, содиқ ҳамда матонатли беклар сардорлик қилганини таъкидлаш лозим. Бобур ёзади: *Баронгорнинг учуда Вали Қизил ва Малик Қосимни, Бобо Қашқани мўғуллари билан тўлғамага муқаррар қилдук, Жавонгорнинг учуда Қоракўзи ва Абул Муҳаммад найзабоз ва Шайх Али ва Шайх Жамол барин ва Маҳди ва Тенгриқули Пишағи мўғулни тўлғамага ясадук («Бобурнома», 336). Шунини ҳам эътироф этиш лозимки, Иккинчи Жаҳон уруши даврида мазкур тўлғама усули Сталинград остонасида бўлиб ўтган қонли жангларда ўша пайтда мавжуд бўлган тўртта фронт қўмондонлиги томонидан моҳирона қўлланиб, фашистлар Германиясининг энг илғор 6-дала армиясини қуршовга олиб, яқсон қилиб, 330 минг кишилик группировканинг 95 минг нафарини асир олишган. Қолганлари эса улкан жанггоҳда қирилиб кетган. Бу ҳақда собиқ қўмондонлар ўз мемуарларида ёзиб қолдиришган. Сталинграддаги ғалаба Иккинчи Жаҳон урушида туб бурилиш ясаб, фашизмни яқсон қилиш учун қўйилган илк қадамлардан бири бўлган.*

Бобур сон жиҳатдан катта бўлмаган қўшинини замонавий қурол-яроғ ва аслаҳа-анжом билан қуроллантириш, таъминлаш масаласига фавқулодда эътибор қаратган.

Ўт сочувчи қурол (*раъд*), гарчи, XIV асрнинг 70-йилларида Ўрта Осиёга Соҳибқирон томонидан киритилган бўлса-да, лекин *фаранги* (европача кичик тўп), *зарбзан* (замбарак), *қозон* (улкан ҳажмли тўп), *туфанг* ва *милтиқнинг* қуролланишдан мустаҳкам ўрин олиши, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқда ёйилиши бевосита Бобур Мирзо фаолияти билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бобурнинг тинимсиз саъй-ҳаракати туфайли Рум (Кичик Осиё)дан тўп қуёвчи уста(тўпчи)лар таклиф қилинди, *қозон*, *зарбзан* қўйиш технологияси эгалланди [4].

Ҳиндистон ҳарбий-денгиз флотининг шаклланиши, шубҳасиз, Бобур даврига тўғри келади. Зеро, ушбу юртда асосан чуқур, кенг ва серсув Ҳинд, Синд ва Жамна сингари дарёларни кечиб ўтишга мўлжалланган *заврақ* (*қайиқ*) I ва кичик ҳажмли кемалар қатори, ҳарбий ҳаракат ва амалиётларда бевосита қўлланивчи «Гунжойиш», «Оройиш», «Фармойиш»га ўхшаш йирик ҳажмли кемаларнинг қурилиши қўшин янги турининг пайдо бўлишига туртки берган.

**Хулоса қилиб шунини айтишимиз мумкинки,** ҳозирги кунда ҳарбий хизматчиларимизга бобокалонимизнинг тутган йўллари, инновация, яъни замонавий қуролларга фавқулодда эътибор бериш ҳамда бор имкониятлардан тўғри фойдаланишни тақозо этади. Чунки атрофда нотинч ҳудудлар бисёр ва ёв қулай фурсатни пойлаб ётганини назарда тутишлари керак. Миллий армиямизда олиб борилаётган ислохотлар ўз ижобий натижасини беришига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YHATI:**

1. Mirziyoev Sh.M. “Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz”. –Toshkent: “O‘zbekiston”, 2018.
2. Bobur, Zahiriddin Muhammad. / Zahiriddin Muhammad Bobur./ Boburnoma: T.: “Yangi kitob” nashriyoti, 2019.
3. Nuriddinov.M. Boburiylar sulolasi - T : «Fan», 1974
4. R.Voxidov. Biz bilgan va bilmagan Bobur. Toshkent, 2001.